





МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

ТАШАББУС ЭЗГУ ИШНИНГ ҚАНОТИДІР



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

— Айни пайтда маҳалламизда 9 та тикувчилик цехи ишлаб турибди, — дейди раис. — Уларда юзга яқин ёшлар ва хотин-қизлар фаолият кўрсатишмоқда.

Маҳалла тадбиркорларидан Олим Норматов раҳбарлигидаги «Спорт продакшнс антракт» МЧЖда спорт анжумани ва туризм-туған спорт кийимлари

ишлаб чиқаришмоқда. Бу ерда 21 нафар ёш иш билан машғул. Яқинда қўшимча иш ўрни ташкил этиш мақсадида корхона қўшиқда мебель таъмирлаш цехи очилди.

да. Бутун ҳудудда 11 та новвойхона, 13 та саргарошхона ишлаб турибди. Маҳалланинг ташаббуси билан очилган саргарошхона ёшу қари учун бепул хизмат кўрсатади. «Гузалик салони» 3-4 нафар ёшни иш билан таъминлади.

чилик ва касибчилик каби турларини ривожлантиришда ташаббус кўрсатишмоқда. — Ҳудудимизда 5 минг 600 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди Н.Холтов. — Фуқароларимиз эртанги кунга катта ишонч билан қарашади. Тинмай меҳнат қилишиб, оилавий шароитларини яхшилашга интилашади.

лари бўйича комиссия фаоли Турғун Рашидов. — Буидан ташқари, тўқувчилик цехида 14 нафар қиз ҳунар сирасорларини ўрганмоқда.

5 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

Мафтункор табиатнинг сеҳри, жозибаси бор



Наманган вилоятининг табиати мафтункор. Айниқса, Косонсой тумани сулим бог-роғлари, ширин мевалирию баҳаво, сулим оромгоҳлари билан машҳур.

Мамлакатимизнинг энг хушманзара гушларидан бўлгани учун бу ерда туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Тумандаги «Косонсой», «Фахрийлар» сиҳатгоҳларида республикамизнинг тури ҳудудларидан, ҳатто хоржий давлатлардан ташриф буюрган юзлаб кишилар мароқли ҳордиқ чиқариб, саломатликларини тикламоқдалар.

Фарзандаримизни атроф-муҳит билан яқиндан таништириш, ўсимликлар ва ҳайвонот олами тўғрисида батафсил тушунича бериш уларда табиатни севиш туйғусини шакллантиради. Экомаданият тарғиботи ҳаётий мисоллар, отаболаларимиз ўғитлари асосида, таъсирчан усулларда амалга ошириладиган яхши самара бермоқда.

Табиатни гузалликдан баҳра олиш баробарида уни шу ҳолича асраб-авайлаш, келажак авлодга бус-бутун етказиш ҳам катта масъулият талаб этади. Бу борада табиат ҳимоячилари билан бир қаторда маҳаллий аҳоли, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қатор ишлар амалга оширишмоқда.

— Ҳар йили май ойидан сентябрь ойининг охиригача минг нафарга яқин дам олувчиларни қабул қиламиз, — дейди тадбиркор Маҳмуджон Икромов. — Утган йили Наманган шаҳридан бир бемор йигит келиб, қарийб бир ой шу ерда даволанди. Қарангки, ўн кун дағиди бемор анча дадилланди. У табиат қўйнига саёҳатга чиқадиган, сойда энгил чўмилигани бўлди. Бир ойда қорайиб, уйига қайтди. Табиатимиз мўъжизанинг ўзи. Афсуски, баъзида мириқиб ҳордиқ чиқаргач, атроф-муҳитни тоғтаб, уюм-уюм чиқиндиларни ташлаб кетадиганлар ҳам учрайди. Шу боис, энг аввало, табиатга тўғри муносабатда бўлиш, уни келажак авлодларга бус-бутун етказиш борасида тушунириш ишларини янада жонлантириш лозим.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлим, бўлимларининг «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» ҳузуридаги Ижтимоий қўлаб-қувватлаш ахборот марказларини таъминлашга хизмат қилаётди.

Жамшид БЕК «Mahalla»

ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ

Тадбиркорга сармоя ҳам, кўникма ҳам бирдек зарур

Пастдаргом туманида «Дилхуш-Латофат» машиий хизмат кўрсатиш уйининг ташкил этилиши аҳолига яна бир қўлайлик яратди.



Банк кредити эвазига қад ростлаган мажмуада тикувчилик цехи, фотостудия ҳамда гузаллик салони, электр асбобларини таъмирлаш устанонаси ҳамда компьютерхона фаолият кўрсатишмоқда.

— Мажмуа қурилишини маҳалла мутасаддилари қўлаб-қувватлашди, — дейди тадбиркор Саноат Жуманова. — Бу ерда 44 нафар йигит-қиз доимий меҳнатга жалб этилди. Жорий йилда фаолиятимизни янада кенгайтираемиз. Саноат опа тадбиркорликни бир неча йил илгари чорроққина мебель дўкони ташкил қилганидан бошлади. Сармоя тўлаб, дўконни кенгайтирди. Ишининг кўзини биладиган бунтиниб-тичмас аёлнинг фаолиятини кузатган киши тадбиркорга фақат сармоянинг ўзи кифоя қилмаслигини, бизсизда муайян кўникмага эга бўлиш, замон билан ҳамнафаслик, бозор талабларини теда илғай олишдек фазилатлар зарурлигини ҳис қилади.

ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

БАХТЛИ ОИЛА — МАҲАЛЛАНИНГ КЎРКИ, ЗИЙНАТИ

Инсон ҳамиша нурга, зиёга интилиб яшайди. Ҳар қандай жамиятни эзгуликка, ёдуга талпинадиган шахслар, оилалар безайди. Шу боис миллатнинг маънавияти, ахлоқи, эзгу анъаналари йиллар давомида сайқалланиб, авлоддан авлодга утиб боради.

Андижон вилоятининг барча фуқаролар йигинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ўз ҳудудлари ҳар бир оиланинг ижтимоий аҳвали, яшаш шароити, турмуш тарзини ўрганиб, муаммоларини ҳал этишда жонбозлик кўрсатиб келаётди. Масалан, вилоятдаги 697 минг оиладан 8 мингта яқини ижтимоий ҳимояга муҳтож. Демак, уларга, аввало, фонд ҳамда ҳимий ташкилотлар томонидан алоҳида ғам-ҳурлик кўрсатилиши керак. Бу юмуш пухта уйланган режа асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Ана шунини инобатга олган Фонд мутасаддилари алоҳида дастур ишлаб чиқиди.

уларда тарбияланаётган воята етмаганларга маҳалла фаолларидан иборат алоҳида мураббийлар бриктаририлди. Оилаларнинг ижтимоий-маънавий аҳвали таҳлиллари натижасида 57 та хонадонга моддий ёрдам берилди.



тибот тадбири олиб борилади. 8150 нафар қиз ўртасида эрта турмуш қуришининг салбий оқибатлари ҳақида тушунириш берилади.

— Аввало, ота-оналар, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик томонидан эрта турмушнинг олдини олишга катта эътибор қаратишмоқда, — дейди сўзини давом эттириб О.Ибрагимова. — Негаки, балогат ёшига тўламай қурилан оилалар кўп ҳолларда мустаҳкам бўлмайдди. Саъй-ҳаракатларимиз натижасида оилавий ажримлар, нотинч оилалар, воята етмаганлар ўртасида жинсийчилик каби нохуш ҳолатлар кескин каймайди.

ИЖТМОИЙ МАСЪУЛИЯТ

ЯГОНА МАҚСАД САРИ

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» ҳузуридаги Ижтимоий қўлаб-қувватлаш ахборот марказининг фаол ҳамкорларидан биридир.

Ҳафтанинг ҳар дوشанба кунини фонд мутахассисларидан бир нафари ахборот марказида фуқаролар муносабатларини қабул қилади. Маҳалла ва ахборот марказлари ҳамкорлигида ижтимоий лойиҳалар, хусусан, тадбиркорликни бошлаш ниётидаги фуқароларга банклардан имтиёзли кредитлар олишда яқиндан ёрдам бериб келишмоқда.

хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими Ижтимоий қўлаб-қувватлаш ахборот маркази Нукус бўлими ҳамкорлигида пидедалар кўпригини барпо этиди. Яратилган бу қўлайликдан «Жийдеги байсун» маҳалла аҳли мамнун.

ЎЗГАРТИРИШ

ЎЗГАРТИРИШ

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлим, бўлимларининг «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» ҳузуридаги Ижтимоий қўлаб-қувватлаш ахборот марказлари билан уриланган мустаҳкам ҳамкорлик аҳоли манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётди.

ЎЗГАРТИРИШ

ЎЗГАРТИРИШ

Перхан АЛЛАМБЕРГЕНОВА «Mahalla»

ЎЗГАРТИРИШ

ТАРТИБЛИ ВА ХАВФСИЗ ҲАРАКАТГА ДАЪВАТ



Буидан ташқари, маҳаллаларда болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари билан учрашув ва суҳбатлар уюштириш анъанаси янгилаштирилди.

Юдуз ҲОЖИЕВА «Mahalla»

